

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ ВА УНИНГ
ҲИСОБИ****Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна**

“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

+99890-356-84-16

shahnoza.pardayeva.94@gmail.com

Молиявий натижаларнинг шаклланиши банк операцияларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган даромад ва харажатларни ҳисобга олишдан бошланади. Банк даромади ва харажатларни ўзаро солиштириш орқали банкнинг қандай якуний натижага эришилгани кўринади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банкда якуний молиявий натижа ҳисобот йилининг охирида ўсиб бориш тартибида даромадлар ва харажатлар ҳисобварақларини ёпиш орқали аниқланади.


Банкларда икки хил: тақсимланмаган фойда ва жорий йил соф фойдаси фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)», 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив–пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебитида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин. Ҳисобварақнинг дебитида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса банк фойда кўрган бўлади.

Жорий йил соф фойдасини ҳисобга олиш учун 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварағидан фойдаланилади, унинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри эълон қилинган ва қайтарилган дивидендлар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида эса, тўланадиган дивидендлар, захира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли хил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланади.

Банк томонидан ҳисобот йилида олган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» баланс ҳисобварағидан 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)» ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда (зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидендлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора–тадбирлар суммаси акс

этирилади. Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.



1–расм. Банк фойдасининг тақсимланиши.¹

1–расмдан кўриниб турибдики ҳозирги кунда тижорат банкларининг фойдаси куйидаги йўналишларда фойдаланилаяпти:

- таъсисчилар ўртасида тақсимланаяпти;
- акциядорларга дивиденд сифатида берилаяпти;
- бюджетга тўловлар амалга оширилаяпти;
- банк ходимлари ўртасида тақсимланаяпти;
- банк капитали миқдори оширилаяпти (капитализация қилинаяпти);
- банкнинг махсус ва умумий захира фондлари яратилаяпти.

Банк фойдасини тақсимлаш эса икки хил йўналиш бўйича амалга оширилган:

- фойданинг тақсимланадиган қисми;
- фойданинг жамғариладиган қисми.

Банк ихтиёрида қолган соф фойданинг тақсимланадиган қисми, аввало фойда ҳисобидан тўланадиган мажбуриятларга сарфланади. Тижорат банклари таъсисчиларга ва акциядорларга ўз фаолиятлари натижасида олган фойдасини дивиденд ёки улуш кўринишида беради. Бунда, агар банк акциядорлик жамияти сифатида фаолият олиб бораётган бўлса дивиденд тўлайди, агар таъсисчилар улуш кўшиш орқали банкни

¹ Муаллиф томонидан тузилди.

ташқил қилган бўлса улар улуш сифатида ўз фойдасига эга бўлади. Ҳозирги кунда банк амалиётида таъсисчилар олаётган улуш ҳам дивиденд сингари ҳисоб–китоб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнал. www.interfinance.uz, №3, 2021 йил, июн.
2. Пардаева Ш.А. Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали ташқил қилиш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 2022 йил 2-сон 141-145 бетлар.